

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ER RESURSLARI, GEODEZIYA,
KARTOGRAFIYA VA DAVLAT KADASTRI DAVLAT QUMITASI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI QIШЛОҚ VA СУВ ХЎЖАЛИГИ
VAZIRLIGI ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
DAVLAT ARHITEKTURA VA QURILISH QUMITASINING
QARORI

786 Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ташқи муҳандислик коммуникацияларига уланиш имконияти бўлган суғорилмайдиган ҳамда унумдорлиги паст қишлоқ хўжалиги ер участкаларини аниқлаш қоидаларининг 3-бандига ўзгартириш кiritиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 2 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2464-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5017-сон «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2013 йил 20 майдаги 10, 6/1 ва 2-сон қарори (рўйхат рақами 2464, 2013 йил 3 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 23-сон, 308-модда) билан тасдиқланган Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ташқи муҳандислик коммуникацияларига уланиш имконияти бўлган суғорилмайдиган ҳамда унумдорлиги паст қишлоқ хўжалиги ер участкаларини аниқлаш қоидаларининг 3-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3. Ишчи гуруҳ таркибига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бошқарма ва унинг бўлимлари, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ҳудудий бошқарма ва унинг бўлимлари, «Давархитектқурилиш» қўмитасининг ҳудудий бошқарма ва унинг бўлимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда вилоятлар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари ва уларнинг ташкилий тузилмасига кирувчи ташкилотлар, «Ўздав-ерлойиҳа» институтининг ҳудудий бўлимлари, «Ўзбекнефтгаз» МХК ҳудудий бўлимлари, «Ўзбекэнерго» АЖнинг ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ва «Ўзгидромет» марказининг ҳудудий бўлинмаларининг вакиллари киритилади.».

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

786-модда

— 224 —

31 (791)-сон

2. Мазкур қарор «Ўзбекэнерго» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўздавэне-ргоназорат» инспекцияси ҳамда «Ўзгидромет» маркази билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-ради.

**Ер ресурслари, геодезия,
картография ва давлат кадастри
давлат қўмитаси раиси**

А. АБДУЛЛАЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 20 июль,
4-сон

**Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири**

З. МИРЗАЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 20 июль,
38-сон

**Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси**

Б. ЗАКИРОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 20 июль,
3-сон

Келишилган:

**«Ўзбекэнерго» АЖ
Бошқарув раиси**

У. МУСТАФОЕВ

2017 йил 12 июль

**Уй-жой коммунал хизмат
кўрсатиш вазири**

М. СОЛИЕВ

2017 йил 12 июль

**«Ўзбекнефтгаз» МХК
Бошқарув раиси**

А. СУЛТАНОВ

2017 йил 12 июль

31 (791)-сон

— 225 —

786-787-моддалар

*«Ўздавэнергоназорат»
инспекцияси бошлиғи*

А. НИМАТУЛЛАЕВ

2017 йил 12 июль

*«Ўзгидромет» маркази
бош директори*

В. ЧУБ

2017 йил 12 июль